



**NORMATIV-HUQUQIY HUIJATLAR LOYIHASINI ISHLAB
CHIQUISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON
TIZIMI**

Loyiha

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ
Наманган вилоятида замонавий мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этиш чора-
тадбирлари тўғрисида
ID-57328 (V-1)

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотишнинг замонавий усулларини ривожлантириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, серҳосил ва экспортбоп мева-сабзавот экинлари навларини жойлаштириш, ташқи бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотларни етиштириш, шунингдек, аграр соҳа маҳсулдорлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Наманган вилояти ҳокимлиги ва “Siberian Wellness” компанияси (Россия Федерацияси) ўртасида 2021 йил 17 ноябрь куни ўзаро англашув меморандуми имзоланганлиги;

“Siberian Wellness-Namangan” МЧЖ хорижий корхонаси мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини яратиш учун 2,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилганлиги;

“Siberian Wellness-Namangan” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан Наманган вилояти Чортоқ тумани Маданият ва Гулистон массивларидаги 675 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг норматив қийматининг икки бараваридан ортиқ миқдордаги пул маблағлари депозитга қўйилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Наманган вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг “Siberian Wellness-Namangan” МЧЖ хорижий корхонасига замонавий мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этиш учун Наманган вилояти Чортоқ тумани Маданият ва Гулистон массивларидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини 25 йилгача бўлган муддатга ижара ҳуқуқи билан ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Наманган вилоятида Агросаноат кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш учун:

Наманган вилояти Чортоқ тумани Маданият ва Гулистон массивларидан ажратиладиган 675 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2022-2025 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг прогноз параметрлари 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Наманган вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда ўн кун муддатда мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловалари билан тасдиқланаётган ер участкаларини “Siberian Wellness-Namangan” МЧЖ хорижий корхонасига (кейинги ўринларда – Агросаноат кластери) кластер усулида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун ажратиб берилишини

таъминласин.

5. Белгилансинки, Агросаноат кластери томонидан мазкур қарорда ва ер ижараси шартномасида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаганда, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида назарда тутилган ҳолларда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилинади.

6. Наманган вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда хўжаликлараро суғориш ва мелиоратив тармоқларининг техник ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширсин ҳамда Наманган вилоятига белгиланган лимит доирасида экин майдонларини сув билан таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Агросаноат кластери учун ажратилган ер майдонларининг:

сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологиялари жорий этилган қисмига сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга солиқ солинмайди;

фермер хўжаликлари учун назарда тутилган лизинг бўйича қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа моддий ресурсларни етказиб бериш шартлари ва тартиб-қоидалари Агросаноат кластери учун ҳам татбиқ этилади;

Вазирлар Маҳкамасининг “Фермер хўжалиқларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарорига асосан фермер хўжалиқларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Агросаноат кластерининг буюртмасига мувофиқ шартнома асосида учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) ёрдамида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экинлар ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда зарарқундалар билан зарарланган майдонларда агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича хизмат кўрсатишни йўлга қўйсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Наманган вилояти ҳокимлигининг виза буюртманомаларига биноан лойиҳани амалга оширишда жалб этиладиган чет эллик мутахассислар учун кириш визаларини консуллик йиғимлар ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Наманган вилояти ҳокимлигининг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга виза расмийлаштирилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини белгиланган тартибда таъминласин.

11. “Худудий электр тармоқлари” АЖ ўрнатилган тартибда инвестиция лойиҳаси объектларининг ташқи электр тармоқларини қурилишини ва уларга уланишини Агросаноат кластери маблағлари ҳисобидан таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев ва Наманган вилояти ҳокими Ш.Ш.Абдуразаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил ___ февралдаги ___-сон қарорига
1-ИЛОВА

"SIBERIAN WELLNESS-NAMANGAN" МЧЖ хорижий корхонасига ажратиб бериладиган
ер майдонлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

№	Фермер хўжаликлар номи	Контур рақами	Умумий ер майдони	Экин ери	Қўп йиллик дарахтзорлар				буз ерлар	ййлов ерлар	Жами кишлоқ хўжалик ер турлари	сув ости ерлар	йул ости ерлар	қурилишлар	бошқа ерлар
					жами:	шу жумладан									
						боғ	узум	гутзор							
1	Чортоқ тумани ҳокимлиги захирасида	653	32,9						32,2	32,2	0,1	0,6			
		655	8,3						8,3	8,3					
		656	53,3	0,8						0,8	3,2	0,2		0,1	49
		657	1,5						1,5	1,5					
		658	0,6	0,6						0,6					
		659	1,3									0,1			1,2
		660	4,5						4,4	4,4			0,1		
		661	43,3						43	43		0,1	0,2		
		662	19,4									0,3	0,1		19
		663	5,4						5,3	5,3			0,1		
		664	3,8							3,6		0,1	0,1		
		665	40,3						40,1	40,1		0,1	0,1		
		666	3,4	3,4						3,4					
		667	0,9									0,1			0,8
		668	18,4	18,1						18,1			0,3		
		669	2,6	2,5						2,5			0,1		
		670	3,9	3,8						3,8			0,1		
		672	2,4	2,3						2,3			0,1		
		673	5,9						5,8	5,8			0,1		
		674	4,2						4,1	4,1			0,1		
		675	0,9										0,1		0,8
		677	1,8									0,1	0,1		1,6
		682	6,9									1	0,1		5,8
		683	5,4										0,2		5,2
		684	14,9						14,4	14,4			0,5		
		686	29,3									4,3	0,1		24,9
		688	1,6						1,5	1,5		0,1			
		689	0,2												0,2
		690	0,1						0,1	0,1					
		691	23,2						23	23			0,2		
		737	1												1
		743	42,4									2,6	0,3		39,5
		749	11,4									0,3	0,1		11
		750	18,9						18,7	18,7		0,1	0,1		
		751	4,3	1,1					3	4,1			0,2		
		752	3,1									0,2			2,9
		753	31,7						31,3	31,3		0,1	0,3		
		754	126,9						89,4	89,4		3,1	0,1		34,3
		755	31,8						31,6	31,6		0,1	0,1		
		756	0,8									0,1			0,7
		757	3,6						3,6	3,6					
		758	7,6						7,6	7,6					
		759	3,7						3,6	3,6			0,1		
		760	6,8						6,5	6,5			0,3		
		761	4,6						4,5	4,5			0,1		
		762	0,4						0,3	0,3			0,1		
		763	3,1						3,1	3,1					
		764	2,3						2,3	2,3					
		765	1,7						1,7	1,7					
		766	1,7						1,7	1,7					
		767	0,2						0,2	0,2					
		768	1,5						1,5	1,5					
		769	5,5						5,2	5,2		0,3			
		770	2,7						2,7	2,7					
		771	8						7,7	7,7		0,3			
		772	1,1						1	1		0,1			
		773	1,1						0,9	0,9		0,1	0,1		
		774	0,9						0,9	0,9					
		775	9,8						9,7	9,7		0,1			
		Жами	59	679,2	32,6				131,5	295	458,6	17,1	5,5	0,1	197,9
1		Лойиха жами	59	679,2	32,6				131,5	295	458,6	17,1	5,5	0,1	197,9

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил ___ февралдаги ___-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Наманган вилоятида мева-сабзавотларни етиштириш ва чуқур қайта ишлаш бўйича
агросаноат кластери таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан 2022 – 2025 йилларда
амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхати ва прогноз кўрсаткичлари**

Т/р	Инвестиция лойиҳасининг номи	Асосий ижро этувчи	Лойиҳа қиймати (эквивалентда млн. АҚШ доллари)	Молиялаштириш манбалари		Йиллик қуввати	Ташкил этилаётган иш ўринлари сони	Амалга ошириш муддатлари
				лоyiҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари (млн. АҚШ доллари)	хорижий инвестиция-лари (млн. АҚШ доллари)			
“Siberian wellness-Namangan” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонаси								
1.	Интенсив боғ, мева маҳсулотларини қуритиш, қайта ишлаш ва экспортга чиқаришни ташкил.	“Siberian wellness-Namangan” МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси	20,9	-	20,9	5,8 минг тонна таёр мева, 3 минг тонналик музлаткич	120	2022-2025 йиллар
	Агротехник тадбирлар амалга ошириш		0,5		0,5			
	Тупроққа минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш		0,4		0,4			
	Интенсив кўчат сотиб олиш ва уларни экиш		4,5		4,5			
	Кўчатларни ташиш ва экиш		0,5		0,5			
	Сув чиқариш учун қудуқлар ва насос станцияси қуриш		2,5		2,5			
	Бошқа харажатлар		3,6		3,6			
	Қишлоқ хўжалиги техникалари		1,8		1,8			
	Мева-сабзавот боғи ҳимояси учун		1,0		1,0			
	Қурилиш ишлари учун		1,2		1,2			
	Мева-сабзавотларни йиғиш ва сақлаш ускуналари учун		4,9		4,9			